



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЬМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИ КУРСАНТИ
ХАБИБУЛЛАЕВ ФАЙЗУЛЛО ХАЙРУЛЛО УҒЛИ

Аннотация

Ушбу мақолада профилактика инспекторлари томонидан маъмурий назоратни ташкил этиш, ушбу тадқиқот мавзусининг долзарбилиги, профилактика инспекторининг маъмурий назорат ўрнатилган шахсар томонидан хуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш фаолиятининг мазмунни, маъмурий назорат остидагиг шахслар уларнинг тойиқалари, ушбу фаолиятни ташкил этишнинг аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларни бартараф этишнинг усул ва шакллари, ушбу йўналишда хорижий давлатларнинг иш тажрибаси хамда уларнинг миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаш томонлари хақида ёритиб ўтилган.

Annotation

The relevance of the subject of research in this graduation work, the scientifical and theoretical bases of the administrative supervision of the preventive maintenance inspector, the methodological bases of the administrative supervision of the preventive maintenance inspector. In addition a practitioner review of the norms regulating the activities of the The prophylactic inspector has a clear understanding of the different international experience of other countries and different aspects of our national legislation, as well as the asoects of improwing these activities using the abovementioned facts.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб ўз давлат сиёсатини амалга оширишда ўз йулини ишлаб чиқди, бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқиши- босқич ўтиш йулини



танлади. Шу борада қонунчилликни хам секин аста такомиллаштириб борди. Зеро, конун ваadolat устувор бўлган жамиятда юксалиш бўлади.

Ушбу юқорида айтиб ўтилган ишларни самарали амалга ошириш учун давлатнинг мажбурлов кучидан фойдаланилади. Ички ишлар органлари ушбу фаолиятда солмоқли хисса қўшади. Ички ишлар органларининг энг қўйи погонаси хисобланган маҳалла хуқуқ тартибот масканларида профилактика инспекторлари томонидан маҳаллада профилактик чора тадбирлар олиб борилади. Маъмурий назорат хам шахслар олиниши мумкин хисобланади. гарчи қўлланиладиган чекловлар бир хил мазмун ва шаклга эга бўлса-да, бироқ маъмурий назоратга олинган ҳамда шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан қўлланиладиган профилактик чора-тадбирлар ўзига хосликка эга бўлиши лозим. Чунки шартли ҳукм жиноят содир этишига қарамасдан ижобий тавсифланган шахсга нисбатан қўлланилса, маъмурий назорат оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш муассасаларида жиноий жазони ўташига қарамасдан тузалиш йўлига кирмаган шахсларга нисбатан қўлланилади. Аммо барча маъмурий назоратга олинган шахслар билан ҳам бир хил турдаги ва ҳажмдаги профилактик чора-тадбирлар ўтказилавермайди, бу масалага юқорида таъкидланганидек, маъмурий назоратга олинган шахснинг ижтимоий демографик, маънавий-рухий, жиноий-хуқуқий ва биофизиологик белгиларини эътиборга олган ҳолда ёндашиш талаб этилади

Ўзбекистон Республикаси қонунларини бузган ва уларга амал қилишни истамаган ҳуқуқбузарлар, уларни бузишга кўпроқ мойил бўлган шахслар, шу жумладан маъмурий назоратда турувчи илгари судланган шахслар орасида ҳуқуқий тарбияни яхшилаш борасида самарали профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш давр талабидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тўхталадиган бўлсак, бунда бир қанча нормалар белгилаб ўтилган бўлиб, Конституциянинг иккинчи бўлим, 18-моддасида шундай дейилган: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши. Эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқейидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т., 2023й.



Ушбу қоидалардан келиб чиқиб, маъмурий назорат ўрнатилган шахслар билан ишлаш жараёнида ҳам уларнинг ҳукуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини поймол қилиш мумкин эмас.

Илгари судланган шахсларга нисбатан ички ишлар органлари томонидан ишлаб чиқиладиган махсус профилактик чора-тадбирлар режасига қуйидагиларни киритиш тавсия этилади:

- илгари судланган шахсларни аниқлаш ва уларнинг аниқ рўйхатини ишлаб чиқиш ҳамда уларни маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушувчи илгари судланган ва маъмурий назорат онуни таъсири остига тушмайдиган илгари судланган шахслар тоифасига ажратган ҳолда профилактик ҳисобга олиш;
- маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушувчи илгари судланганларнинг жамиятга зид турмуш тарзи кечираётганлигини аниқлаш;
- илгари судланган ва қайта жиноят содир этиб, қочиб юрган шахслар «қидиувини» ташкил этиш ва уларни ушлаш чораларини кўриш;
- маъмурий назоратда турувчи илгари судланган шахслар ўртасида «Назорат» махсус тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш;
- илгари судланган шахсларнинг жиноят содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;
- озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар ўртасида «Ижро» махсус тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш;
- илгари судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;
- илгари судланган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича махсус комиссиялар, корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш ва уларга тавсияномалар киритиш жиноятлар содир этишини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги 2019 йил 2 апрелдаги қонунида белгилangan тартибда суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилади².

² Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.



Жазони ижро этиш жойларидан бўшаб чиқсан шахсларга нисбатан ўрнатиладиган маъмурий назорат ички ишлар органларининг фаолиятида ўз аҳамияти ва ҳажмига кўра муҳим аҳамият касб этиб, ўзида тезкор-қидирув, якка тартибдаги профилактик ва тарбиявий ишларнинг қўлланишини мужассамлаштиради.

Илгари судланганлар тоифасига кирувчи маъмурий назорат ўрнатилган шахсларга ҳам ички ишлар органлари томонидан доимий назорат юритилиши ва уларнинг турмуш тарзини текшириб турилишини тақозо этади. Чунки бу шахсларнинг жиноий фаоллиги юқори бўлиб, улар иштирокида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилиши мумкин.

Илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирларини манзилли, ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолати, у муқаддам содир этган жиноят таснифи, турини ҳисобга олинган ҳолда самарали амалга ошириш учун илгари судланган шахслар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13, 34, 78, 79, 80-моддалари асосида тоифаларга ажратган ҳолда юритиш керак. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар ўртасида хуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш мақсадида маъмурий ҳудудларда маҳсус профилактик ишларни профилактика хизматининг ваколати доирасида ташкил этиш ва амалга ошириш тавсия этилади.

Маъмурий назорат – жазони ижро этиш муассасаларидан бўшаб чиқсан шахслар орасида ички ишлар органлари томонидан олиб бориладиган тарбиявий олдини олиш таъсир чоралари бўлиб, назорат остидагиларга қонунда кўзда тутилган чеклашларни қўллашдан иборат.

Маъмурий назоратнинг асосий мақсади – илгари судланганлар томонидан тақороран жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ва уларнинг ижобий ижтимоий йўлга кириб олишини шакллантиришдан иборат. Айни вақтда маъмурий назоратнинг ўрнатилиши ва амалга оширилиши назорат остида бўлган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, унинг инсоний қадр-қимматини камситмаслиги, ўқиш, иш ва истиқомат қиласидиган жойида обўусини тўқмаслиги лозим.



Жамиятнинг маънавий қиёфаси бевосита қонун устуворлигига боғлиқ. Қонунга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирмас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади.

Профилактика (катта) инспекторлари хукуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъект ҳисобланадилар. Улар бу борада қуйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга оширадилар:

– бириктирилган маъмурий ҳудудда жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган ва озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога хукм қилинган шахслар ўртасида хукуқбузарликлар профилактикасига оид маҳсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича ички ишлар органи раҳбариятига таклифлар киритади;

– қrimиноген вазият таҳлили натижаларига асосан маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида обьектда айрим турдаги хукуқбузарликларнинг, уларни содир этувчи шахсларнинг кўпайиши, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши кучайганда ушбу турдаги хукуқбузарликларнинг профилактикаси, бу турдаги хукуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш, ғайриижтимоий хулқ-атворли, хукуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, хукуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида хукуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ички ишлар органи раҳбариятига таклиф киритади;

Маъмурий назорат ўрнатишнинг тартиби юқорида келтирилган қонун ва унинг асосида ишлаб чиқилган Ички ишлар вазирлигининг маъмурий назоратни амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи норматив-хукуқий хужжатига мувофиқ қуйидаги икки ҳолатда ўрнатилади:

- 1) жазони ижро этиш муассасалари тақдимномасига асосан ўрнатиладиган маъмурий назорат;
- 2) туман (шаҳар) ИИБ бошлигининг ташаббуси билан ўрнатиладиган маъмурий назорат.

Жазони ижро этиш муассасаларида маъмурий назорат тўғрисидаги қонун таъсири остига тушувчи маҳкумларнинг озод этилишига уч ой қолганда рўйхат тузилади. Бу рўйхат туркум бошликлари, тартибот бўлимларининг озод этилаётган маҳкумни иш ва яшаш жойи билан таъминлаш масалалари бўйича нозирига топширилади. Туркум бошликлари рўйхат олингандан кейин беш кун ичida уч нусхада маҳкумнинг хулқ-атвори ҳақида тавсифнома тайёрлаб, уни муассаса бошлиғига тасдиқлатиб, тартибот бўлимига топширадилар. Тартибот бўлими назорат ўрнатиш ҳақидаги бошқа



хужжатлар ва тавсифномани маҳкум озод этишига бир ой қолганда муассаса маъмурий комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этади. Комиссия жазодан озод қилинаётган шахсга назорат ўрнатиш ёки ўрнатмаслик ҳақида қарор чиқаради. Агарда маҳкумга нисбатан назорат ўрнатиш ҳақида қарор чиқарилса, тартибот бўлими ушбу қарор нусхаси, тавсифнома, тўпланган бошқа хужжатларни илова қилган ҳолда жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи номидан тақдимнома тайёрлаб уни худудий туман (шаҳар) судига жўнатади.

Профилактика (катта) инспектори хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини, юқорида таъкидланганидек, профилактик сұхбат, расмий огоҳлантириш, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берәётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш, маъмурий назорат ва қонун хужжатларига мувофиқ бошқа профилактик чора-тадбирлар орқали амалга оширади.

Профилактика инспекторлари томонидан ушбу фаолиятни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлар хуқуқбузарлик содир етган шахс билан унинг тузалиш йулига ўтиши мақсадида амалга оширилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т., 2021й.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
- 3.Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.
- 4.Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.